

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати 2026 йил январь-июль

- I. Саноат ишлаб чиқариши
- II. Инфляция даражаси ва истеъмол нархлари индекси
- III. Бажарилган қурилиш ишлари
- IV. Чакана савдо товар айланмаси
- V. Ташқи савдо айланмаси
- VI. Кўрсатилган бозор хизматлари
- VII. Корхона ва ташкилотлар сони



I. Саноат ишлаб чиқариши

2026 йилнинг январь-июль ойларида республика корхоналари томонидан **795 447,4** млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва саноат ишлаб чиқариши индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **107,9 %** ни ташкил этди.

Шу билан бирга, саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида ишлаб чиқарадиган саноатнинг улуши **86,8 %**, тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш саноати **6,3 %**, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш **6,4 %**, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш **0,5 %** ни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариши ўсишининг асосий омили бу — ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **9,0 %** га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда **8,1 %** га, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш саноатида физик ҳажм индекси **8,4 %** га ошганлигидир.

Қайта ишлаш саноати ҳажмларининг ўсишига бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши (2025 йилнинг январь-июль ойларига нисбатан **1,56.**), шунингдек, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш (**1,46.**) сезиларли таъсир кўрсатди.

Шу билан бирга, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришда (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **89,9 %**) ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш корхоналарида (**81,6 %**) ҳажмларнинг пасайиши кузатилди.



II. Инфляция даражаси ва истеъмол нархлари индекси

2026 йил январь-июль ойларида республика истеъмол секторидаги инфляция даражаси **3,2 %** ни ташкил этди.

2026 йил январь-июль ойларида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўртача **1,5 %** га қимматлашиб, инфляция даражасига **0,61** фоиз пункт (ф.п.) таъсир қилган бўлса, ноозиқ-овқат маҳсулотлар нархлари ушбу даврда **4,2 %** га қимматлашиб, умумий кўрсаткичга **1,35** ф.п. таъсир қилган, хизматлар эса **4,6 %** га қимматлашиб, умумий кўрсаткични **1,20** ф.п. ошишига таъсир кўрсатган.

2025 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ юқори чегараси **143,9 %** ни (Суғурта ва молиявий хизматлар), қуйи чегараси эса **100,5 %** ни (Таълим соҳасидаги хизматлар) ташкил этди.

2026 йилнинг январь-июль ойларида йиғма ИНИ ўсишига “Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари”, “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар” ҳамда “Транспорт” бўлимларидаги нархлар ўзгариши энг катта ҳисса қўшди (умумий ҳисобда **+2,12** ф.п. ёки умумий таъсирнинг **67,1 %**). Бошқа бўлимларнинг жами ҳиссаси **+1,04** ф.п.ни (умумий таъсирнинг **32,9 %**) ташкил этди.



III. Бажарилган қурилиш ишлари

2026 йилнинг январь-июль ойларида **227 446,6** млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **112,9 %** ни ташкил этди. Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг **56 867,4** млрд сўми ёки **25,0 %** йирик корхона ва ташкилотлар томонидан, **126 222,6** млрд сўми ёки **55,5 %** кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан, **44 356,6** млрд сўми ёки **19,5 %** норасмий сектор субъектлари томонидан бажарилди.



IV. Чакана савдо товар айланмаси

2026 йилнинг январь-июль ойларида чакана савдо товар айланмаси **310 901,9** млрд сўми ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **20,2 %** га ўсди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 2025 йилнинг январь-июль ойларида нисбатан **26,9 %** га ўсди, бу эса умумий савдо ҳажмининг **17,8 %** улушига тўғри келади. Кичик бизнес субъектларининг чакана товар айланмаси 2025 йилнинг январь-июль ойларида нисбатан **17,3 %** га ўсган. Республика миқёсида ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши **71,9 %** ни, уюлмаган савдо товар айланмаси **10,3 %** улуш билан **32 178,3** млрд сўми ташкил этди.



V. Ташқи савдо айланмаси

2026 йилнинг январь-июль ойлари якуни билан республиканинг ташқи савдо айланмаси **49 535,0** млн АҚШ долларини ташкил этиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **3 731,6** млн АҚШ долларига ёки **8,1 %** га кўпайди. Экспорт ҳажми **19 931,3** млн АҚШ долларига етди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **3,6 %** га тушди. Импорт **29 603,6** млн АҚШ долларига етиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **17,8 %** га ошди.

Экспорт таркибида товарлар улуши **63,2 %** ни ташкил этди, шу жумладан саноат маҳсулотлари – **13,9 %**, ҳар хил тайёр маҳсулотлар – **8,4 %**, кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар – **7,8 %** ва озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар – **7,7 %** бўлди.

Импорт таркибида асосий улушни машиналар ва транспорт ускуналари (**32,8 %**), саноат товарлари (**14,0 %**), шунингдек, кимёвий моддалар ва уларга ўхшаш маҳсулотлар (**12,1 %**) ташкил этди.



VI. Кўрсатилган бозор хизматлари

2026 йилнинг январь-июль ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **802 461,8** млрд сўми ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **16,7 %** га ўсди.

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг ўсишига асосий омил савдо хизматларининг **15,2 %** га (кўрсатилган умумий бозор хизматлари ҳажмининг ўсишидаги таъсири – **3,9** ф.п.), молиявий хизматларнинг **24,5 %** га (ўсишдаги таъсири **3,6** ф.п.), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг **15,0 %** га (ўсишдаги таъсири **2,8** ф.п.), транспорт хизматларининг **14,3 %** га (ўсишдаги таъсири **2,3** ф.п.), шунингдек, алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг **20,0 %** га (ўсишдаги таъсири **1,5** ф.п.) ўсиши ижобий таъсир кўрсатди.

Кўрсатилган бозор хизматларининг энг катта ҳажми савдо хизматлари ҳажмига тўғри келди (**202 007,3** млрд сўм, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати – **115,2 %**), шунингдек, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлари (**149 719,2** млрд сўм, ёки **115,0 %**), молиявий хизматлар (**125 805,6** млрд сўм, ёки **124,5 %**) ва транспорт хизматлари (**121 451,6** млрд сўм, ёки **114,3 %**) га тўғри келади.



VII. Корхона ва ташкилотлар сони

2026 йил 1 август ҳолатига республикада фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг сони **601,3** мингтани ташкил этди, улардан кичик корхона ва микрофирмалар **440,9** мингта (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари). Худудлар бўйича жойлашган энг кўп сони эса Тошкент шаҳри (**114 839** та), Тошкент (**57 004** та), Самарқанд (**55 449** та), Фарғона (**50 695** та), Қашқадарё (**46 343** та), Бухоро (**36 639** та) ва Хоразм (**34 577** та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг энг кўп сони савдо соҳасида – **164 481** та, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳасида – **131 925** та, саноат соҳасида – **63 861** та, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида – **33 966** та ҳамда қурилиш соҳасида – **33 163** тани ташкил этди.

2026 йил январь-июль ойларида республикада **53,3** мингта корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди, шундан **52,2** мингтаси кичик корхона ва микрофирмалардир.

2026 йил 1 август ҳолатига кўра республикада чет эл инвестициялари иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сони **20 973** тани ташкил этди. Уларнинг **4 685** таси қўшма корхоналар ва **16 288** таси хорижий корхоналардан иборат.

Тайёрлаш учун масъул:
Статистика маълумотларини
тарқатиш бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Контактлар: info@stat.uz
Тел.: +998 71 203-80-00 (1045)

